



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси қисқа даврдаги фаолияти давомида аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ҳўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимиятлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Таҳлиллар шунини кўрсатдики, мурожаатларнинг аксарияти қисми тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига ҳалақит бераётган тўсиқ ва гавларни бартараф этиш, қонунчиликка зид бўлган идоравий қарорларни бекор қилиш, ишга жойлаштириш, соғлиқни сақлаш, банк кредитларидан эркин фойдаланиш, уй-жой-коммунал ва йўл-транспорт хизматлари сифатини яхшилаш масалалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фаолияти юзасидан келиб тушмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси фаолияти давлат органларининг мурожаатлар билан боғлиқ ишни ташкил этишда уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларига, расмийлик, бюрократизм ва сансалорлик ҳолатларига доир қатор тизимли камчиликларни аниқлади.

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган муносабат билан ҳамда аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси иши тўғрисидаги кўпгаб ижобий фикрларини эътиборга олиб, барча даражадаги давлат органлари фаолиятида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Қўйидагилар тузилсин:  
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида;

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари** (бундан буён — Халқ қабулхоналари) — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари);

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси** (бундан буён — Виртуал қабулхона).

2. Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён — мурожаатлар) билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳўкуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига (бундан буён — давлат органлари) ва ҳўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳўқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатъий амал қилган ҳолда,

тўлиқ, ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари иштирокида, шу жумладан видеоконференцалоқа орқали ўтказиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юретиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таркибий тузилмасида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати (бундан буён — Хизмат) тузилсин.

Хизмат зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

муурожаатларни кўриб чиқишда аниқланган тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган ҳўқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;

Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек уларнинг фаолиятини меъёрий-усулвий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;

давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мурожаатлар билан ишлаш борасидаги фаолиятини, шу жумладан жойларга сайёр чиқишларни ташкил этиш ҳамда келиб тушаётган мурожаатлар бўйича тезкорлик билан тегишли чора-тадбирларни кўриш орқали назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган, шунингдек тегишлилигига кўра давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатларни қабул қилиш, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиниши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

мазкур соҳадаги ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, айбдор шахслар жавобгарлигининг муқаррарлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

муурожаатларга асос бўлган тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш юзасидан доимий таҳлиллар ўтказиш;

муурожаатлар билан ишлашнинг янада такомиллаштириш, фуқаролар билан очик мулоқотни кенгайтириш, аҳолининг давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Халқ қабулхоналари кадрлар таркибини аҳоли билан беvosита ишлаш учун зарур билимга, ташилотчилик ва таҳлил қилиш қобилиятига, шунингдек маънавий-ахлоқий ва психологик фазилатларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан шакллантириш, тўлдириш ва мустаҳкамлаб бориш;

давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мурожаатлар билан ишлаш борасидаги фаолияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам ахборот бериб бориш;

муурожаатлар билан ишлаш натижалари оммавий ахборот воситаларида тизимли ёритиб борилишини ташкил этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки: барча даражадаги Халқ қабулхоналари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ходимлари ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) тузилган Халқ қабулхоналари фаолиятини ташкилий, молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш тегишлилигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимиятлари томонидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бошқа хизматлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Бош прокуратура билан биргаликда икки ҳафталик муддатда қуйидагиларни тасдиқлашни назарда тутуви Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматининг тузилмаси, Низоми ва штатлар жадвали;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) тузилган Халқ қабулхоналарининг намунавий тузилмалари ва намунавий низоми.

6. Давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари, барча даражадаги ҳокимлар:

жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини, шу жумладан Халқ қабулхоналари томонидан ташкил этиладиган қабулларни мунтазам ўтказиб бориш;

ҳар ойда Хизматга мурожаатлар билан ишлашга оид, шу жумладан Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонадан кўриб чиқиш учун юборилган мурожаатлар билан ишлашга оид ўз ҳисоботини тақдим этиб бориш.

Давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талаблари ва нормаларини бузганликларини учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жавобгарлик ҳўсуида қатъий огоҳлантирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ойлик муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан тақлифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг бир ойлик муддатда Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона фаолиятини самарали ташкил этиш учун барча ташкилий, молиявий ва моддий-техник масалалар ҳал этилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармоннинг ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратури И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

Тошкент шаҳри,  
2016 йил 28 декабрь

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

## ЭРКИН ВОҲИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ



## ХАЛҚИМИЗНИНГ УЛУҒ ШОИРИ

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда**

Эл-юртини севган, унинг таракқиети ва фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қилган фарзандларнинг тарих ҳам сийлайди. Халқимизнинг тинч, тўкин ва барқарор ҳаёти, ёруғ келажаги йўлида қурашган инсонлар номи ҳақли равишда абадиятга дахлдордир.

Бу жиҳатлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги қарори билан ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш борасидаги эзгу ишларда яққол намоён бўлмоқда.

28 декабрь куни ўзбек адабиёти, санъати ва илм-фан соҳаси вакиллари, адибнинг мухлислари, ёшлар пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Ал-Хоразмий 1-тор кўчаси 7-йўда жам бўлди. Атоқли шоир 1966-2016 йилларда яшаб, ижод қилган бу хонадонда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси раиси М.Аҳмедов, Бадиий академия раиси ўринбосари Ф.Тошмухамедов, адабиётшунос олим И.Ғафуров ва бошқалар атоқли шоиримизнинг ижодий мероси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва саноқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ўзига хос мактаб эканини таъкидлади. Эркин Воҳидов адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам феномен — ноёб ҳодиса эди.

— Менга қарийб ярим аср шундай беназир ижодкор билан қўшни яшаб, яқин ҳамсуҳбат бўлиш бахти насиб этган. — дейди шоирнинг дўсти Абдукарим Усмонхўжаев. — Эркин Воҳидов ўзбек мумтоз шеърининг замонавий бадиий усуллар асосида янги босқичга олиб чиқди,

унинг ижоди XX асрдаёқ катта бир дарёга менгзалгани бежиз эмас. Шоир хотирасини абадийлаштириш борасидаги бу эзгу ишлар халқимиз ва давлатимиз ўзининг «оқ суту туз хурмати»ни оқлаган дилбар фарзандини муносиб қадрлаётганининг гўзал бир ифодасидир.

Тадбир иштирокчилари ва адибнинг оила аъзолари атоқли шоир қабрини зиёрат қилди. Шоир қабрига гул қўйилиб, хотирасига, хурмат бажо келтирилди, Қуръон тиловат қилинди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори миллий адабиётимиз ва маънавиятимизни юксалтириш, ижодкорлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш борасидаги юксак эътибор ифодаси эканини, атоқли шоиримиз ижоди ва унинг адабиётимизда тутган ўрни, ҳаммиса ёш авлодни янги ҳаёт тафаккур билан яшашга ундашдаги аҳамиятини таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси раиси ўринбосари И.Мирзаалиев, «Ўзбекино» миллий агентлиги бош директори О.Мусаев ва бошқалар истиқлол йилларида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов асос қўшган маънавиятни юксалтириш, адабиёт ривожини ва ижодкорлар учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар бугун ҳам изчил давом эттириляганини таъкидлади. Бу улғу ишлар силсиласида Эркин Воҳидов ижоди

ҳам наинки миллий маънавият ва адабиётимиздаги жиддий бадиий-эстетик ҳодиса, балки ижоднинг бош мақсади — инсон ҳаётининг маъносини англаш-англатишда ўзига хос бадиий-фалсафий мактаб сифатида қадр ва эъзоз топаётди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»-ги қарорига кўра атоқли шоиримизнинг ўзбек тилида «Сайланма» асарлари, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърини тўпламлари нашр этилди, Алишер Навоий номидида Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида «Эркин Воҳидов ижодининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти» мавзюида илмий конференция ўтказилди, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таълиқ адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил қилинди.

Атоқли шоиримиз 1961 йили илк шеърини тўплами — «Тонг нафаси» билан ўзбек адабиётига янги нафас олиб кирди, шу боис тезда адабиётшунослар ва мухлислар тилига тушди, диллардан жой олди. Ўттиз уч ёшида «Ёшлик» девонини тузиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таъкидлаганидек, «мумтоз адабиётимизнинг олтин эшиклари абадий беркилади, деб қаромат қилинган паллада арузнинг табаррук остонасида посбон янглиғ пайдо бўлди». Ҳаёт гўзаллиги, инсон ҳаёти маъносини, маънавий камолот йўллари теран ифодаланган бу шеърятда буюк ижодкор аждодларимиз асос қўшган бадиий йўл изчил давом эттирилди, янги, янада юксак босқичга олиб чиқилди.

► Давоми 2-бетда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ТОҶИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАО КОМИССИЯНИНГ ТЎРТИНЧИ МАЖЛИСИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**2016 йил 27-28 декабрь кунлари Душанбе шаҳрида Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон делегациясини Тожикистон Республикаси Президентининг Имомали Раҳмон қабул қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни ўзи учун қулай вақтда Тожикистон Республикасига расмий ташриф билан келиш тақлиф этилган мактубини топширди.

Ҳукуматлараро комиссия мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимов ва Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Давлатали Саид раислигида ўтди.

Мажлис натижалари томонлар мамлакатларимиз ўртасида тенг ҳўқуқли ва ўзаро манфаатли

алоқаларни ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганини яққол тасдиқлади.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик халқларимизнинг асрлар давомида шаклланган яқин қўшничилик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга интилишини мужассам этди.

Икки мамлакат ҳам ўзаро самарали ҳамкорликни янада кенгайтириш, иқтисодий соҳада қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва маданий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор.

Комиссия мажлиси амалий, ўзаро ҳўрмат ва ҳамфикрлик руҳида ўтди.

Мажлис доирасида ўзаро ҳамкорликка оид кўпгаб долзарб масалалар, жумладан, иқтисодиёт, савдо, транспорт, саноат, маданият, таълим, спорт ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги алоқаларнинг асосий параметрлари кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишнинг асосий принциплари ва ёндашувлари муҳокама этилди.

Томонлар муҳокама қилинган ва бошқа масалаларни ҳал этиш йўллари белгилаб олди.

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисини 2017 йил Тошкент шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

## МУНОСАБАТ

### ХАЛҚИМИЗНИНГ УЛУҒ ШОИРИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири  
Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги  
мамлакатимизда кенг нишонланмоқда

Эркин Воҳидов 1968 йили «Ўзбегим» қасидасини ёзиб, она тилимиз хор бўлган, ўз миллати билан фахрланиш миллатчилик саналган, тарихимиз фақат қоронғиликдан иборатдек талқин қилинган, тарихий асар ёзганларга ўғай кўз билан қараладиган паллада ўз миллатини, буюк тарихимизни улуғлади. Шоирнинг бу жасорати — халқни бошига ташвиш тушганда, курашга чиқадиган катта ижодкорларга хос миллатпарварликнинг ёрқин намунаси эди.

— Эркин Воҳидовнинг истиқлол йилларидаги шеърлари топталган миллий қадриятларни тиклаш, ўзини топиш, ўзининг таниш йўли машаққатли бўлиш билан бирга гоёт шарафли ҳам эканини яна бир бор тасдиқлади, — дейди филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов. — Шоир шеърларида инсон ҳаётининг аччиқ ҳақиқатларидан, қарама-қаршиликларида, ҳаёт диалектикасидан асло юз ўтirmайди, балки шу бетиним қара-қарши диалектика ичида ҳаёт оқими билан курашиб, борлиққа дадил ва фаол таъсир кўрсатишга интилади.

Мустиқиллик йилларида Эркин Воҳидов давлатимизнинг маънавий асосларини яратишда фаол иштирок этди. Бу жиҳатлар унинг ижодий ва ижтимоий фаолиятида ёрқин намоён бўлди. Ватанимиз озодлигини, халқимизнинг эркин, обод ва фаровон ҳаётини тараннум этадиган, инсон қадр-қимматини улуғлайдиган янги шеърли асарлари, она тилимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аجدдоларимиз меросини асраб-авайлашга бағишланган китоблари минглаб оилаларга, миллионлаб қалбларга кириб борди. Ватанимиз атоқли адибнинг ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантиришдаги хизматларини юксак тақдирлади: Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий ўнвони берилди, «Дўстлик», «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланди.

— Журналимизнинг биринчи бош муҳаррири Эркин Воҳидов бўлгани бизга гурур ва масъулият бағишлайди, — дейди «Ёшлик» журнали бош муҳаррири Нодир Жонузқов. — Устоз шеърларидаги тинчлик ва табиийлик, соддалик ва теранлик, муסיқийлик ва равлонлик, фикр ва туйғу мувозанати — улкан истеъдод, ҳаётли тажриба ва қаттиқ тобланган маҳорат маҳсулики, бу макомга фақат ҳавас қилиш мумкин. Эркин Воҳидовнинг бадиий мактаби ўзбек адабиёти қуч-қудратини дунёга танитадиган ижодкорлар учун кўп йиллар маҳорат бешиги бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

...Орадан йиллар, асрлар ўтса-да, «Ватан, то танда жоним бор, сенингдирман, сенингдирман» деган халқимизнинг бу оташнафас ва дилбар шоири ўз асарлари билан «тирик сайёра» янглиғ авлодларга қомиллик, тинчлик, ватанпарварлик, адолат, софлик каби эзгу қасида-лар ва гўзал туйғулардан сабоқ бераверади.

Бу жиҳатлар Ўзбек Миллий академик драма театридаги адабий-бадиий кечада намоёиш этилган адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги ҳужжатли фильмда ҳам ўз ифодасини тоғлан.

Тадбирда Эркин Воҳидовнинг рафикаси Гулчехра Воҳидова атоқли шоир таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш борасидаги юксак эъзоз-эътибор учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди.

Маросимда Эркин Воҳидов севган ва унинг галлалари билан айтиладиган қўшиқлардан иборат концерт намоёиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Умид ЁҚУБОВ,  
ЎЗА мухбири.

## «FINANCIAL TIMES» ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМИ ҲАҚИДА

Буюк Британиянинг «Financial Times» газетасида 2017 йилда саёхат қилиш тавсия этилаётган мамлакатлар ҳақида мақола эълон қилинди. Бу рўйхатга энг диққатга сазовор тўққиз давлат киритилган бўлиб, унда Ўзбекистон 2-ўринда қайд этилган.

Рейтинг сайёҳлик саноатининг «Wild Frontiers», «KE Adventure Travel», «Discover the World», «Amperand Travel», «Oetker Collection», «Red Savannah», «Cazenove and Loyd» каби машҳур компаниялари раҳбарлари иштирокида ўтказилган сўров натижалари асосида тuzилган.

Буюк Британиянинг «Wild Frontiers» сайёҳлик фирмаси асосчиси Жонни Билбининг сўзларига кўра, сайёҳлар ноёб ва ўзига хос ўлкаларга саёхат қилишни истайди. Буюк ипак йўлида жойлашган давлатлар эса сайёҳлар учун мазкур саноатнинг энг яхши йўналишларидир.

Мақола муаллифлари туристларга агар бутун Буюк ипак йўли бўйлаб саёхат қилиш имкони бўлмаса, Ўзбекистонга сафар қилишни тавсия этган. Чунки мамлакатимизда бу тарихий ўзида акс эттирган барча жиҳатлар — Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент каби шаҳарлар, қадимий қарвонсарой ва нодир обидалар, сахар манзараси, отда ва туяда саёхат қилиш имкониятлари бор.

Мақолада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида алоҳида ургу берилган. Унга мувофиқ соҳа таракқиётига йўналтирилган вази-фалар, яратилаётган янги имконият ва қўлайликлар юқори баҳоланган. Хусусан, 2017 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистонга саёхат мақсадида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга келувчи 15 давлат фуқаролари ва яна 12 давлатнинг 55 ёшга тулган фуқаролари учун виза режими бутунлай бекор қилингани алоҳида қайд этилган.

«Financial Times» бизнес соҳасида дунёдаги энг машҳур нашр ҳисобланади. Уни ҳар қуни қарийб 2,3 миллион одам ўқийди. Газетанинг асосий мушаррийлари ирик компания ва ташкилотлар раҳбарлари, жумладан, етакчи халқ-аро туристик фирмалар вакиллари ҳисобланади.

Н.МАНЗУРОВА,  
ЎЗА мухбири.

## ■ Инсоннинг қадри эъзозланган юртда файз бўлади, барака бўлади.

## ФУҚАРОЛИК

### шахс сифатида барча ҳуқуқларга эга бўлишдир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида»ги фармони жамиятимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан Тошкент давлат юридик университети доценти, юридик фанлар номзоди Хушвақт Ҳайитовга айрим саволлар билан мурожаат этдик.

— Сизнингча, ушбу фармон инсон ҳуқуқларини таъминлашда қандай аҳамиятга эга? Унинг моҳияти ҳақида ўз фикрларингизни билдирсангиз...

— Аввало, бу ҳужжатни фуқаролик берилишини сўраб мурожаат этган инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш борасидаги улкан ютуқ сифатида баҳолаш жоиз, деб ўйлайман. Чунки фармонга мувофиқ, 179 нафар шахсга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди. Бу эса ушбу шахслар ва уларнинг оила аъзолари учун улкан имконият сифатида фахр, хурсандчилик, мамнунийлик туйғусини бахш этиши шубҳасиз. Фуқаролик сабабли ушбу шахслар Ўзбекистонимизда яратилган барча шaroит-лардан эмин-эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлди ҳамда кўпгина сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритди.

Ўз мазмунига кўра, фуқаролик шахснинг шу мамлакат тақдир билан ўз тақдирини чамбарчас боғлашига оид сиёсий ҳуқуқий ҳодисадир. Таъкидлаш лозимки, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари даражаси, шунингдек, унинг бурчлари ушбу шахсда маълум бир давлат фуқаролигининг мавжудлиги билан бевосита боғлиқ. Фуқаролик миллий қонунийлик ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзаро мутаносиблиги ифодаланган институт-дир. Мазкур масала бўйича миллий қонунийликдан ташқари давлатларнинг фуқаролик масалаларини тартибга солуви икки ва кўп томонлама шартномалари ҳам мавжуд.

Фуқаролик — бу мустақкам, узоқ давом этадиган сиёсий ҳуқуқий алоқа бўлиб, фуқароларнинг давлатга тегишли эканлигини ҳамда унинг ушбу мамлакатдаги барча ҳуқуқларга эга эканини аниглайди. Бу алоқа фуқаро билан давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига асосланади. Бундай макомга эга бўлиш инсон учун тўла маънода ўз ҳуқуқи ва эркинликларини амалга ошириш, олган барча мажбуриятларини бажариш имкониятини беради.

Хар бир шахснинг фуқаро бўлиш ҳуқуқи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» 15-моддасининг 1-бандида ҳар бир инсоннинг фуқаро бўлиш ҳуқуқи борлиги кўрсатилган бўлса, 2-бандда ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки фуқаролигини ўзгартириш мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган. «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактнинг 16-моддасида ҳар бир шахс, қаерда бўлишидан қатъи назар, унинг субъектлик ҳуқуқи тан олинмиши ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган бўлса, 24-моддасининг 3-бандида ҳар бир бола фуқаролик оlish ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган.

— Қабул қилинаётган ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат муайян асосларга таянади. Умуман, фуқароликка қабул қилиш масаласи қонунчиликда қандай белгиланган?

— Фуқаролик ҳуқуқий макомининг асосий қоидалари Конституцияимиз нормалари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган.

### Ўз мазмунига кўра, фуқаролик шахснинг шу мамлакат тақдир билан ўз тақдирини чамбарчас боғлашига оид сиёсий-ҳуқуқий ҳодисадир.

Белгилаб қўйилган. Масалан, Бош қомусимизнинг 19-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар», дейилган. Унинг 21-моддасида эса «Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси, айни вақтда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади», деб кўрсатилган. Ушбу асослар ҳамда тартиб «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунда ҳам белгилаб қўйилган.

Конституцияимизнинг 93-моддаси 22-бандига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига оид масалаларни ҳал этишга ҳақлидир. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига биноан, Президент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш, чет элда яшаётган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентига қарата тўғридан тўғри фуқаролигидан чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

— Албатта, фармоннинг ижтимоий-сиёсий, қолаверса, маънавий аҳамияти ҳам жуда юқори...

— Тўғри таъкидладингиз, мазкур фармоннинг қабул қилиниши чин маънода юртдошларимизнинг қайфиятини, руҳини янада кўтариб юборди. Чунки мамлакатимизда яшаб шу юрт, шу халқ учун хизмат қилишни истайдиган, ўз тақдирини шу Ватан келажаги билан уйғун тасаввур қиладиган фуқароларимизнинг кўпайиши ижобий ҳолатдир.

Инсоннинг қадри эъзозланган юртда файз бўлади, барака бўлади. Агар фуқароликка қабул қилинган инсонларнинг оила

аъзоларини ҳам ҳисобга олганда, яна юзлаб кишиларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланганини тушуниш, ҳис қилиш қўйин эмас. Қолаверса, бу каби инсонпарвар сиёсат одамлар ўртасида ўзаро меҳроқибат, бирдамлик ва ҳамжихатлик сингари қадриятлар улуғла-нишига хизмат қилади.

— Фуқаролик билан боғлиқ масалалар дунё тажрибасида қандай ҳал этилади? Шу ҳақда ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз...

— «Фуқаро» атамасидан илк бора 1789 йилги Франциянинг Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳақида эркинликлари декларациясида фойдаланилган ва у юридик жиҳатдан мустаҳкамланган эди. Вақт ўтиши билан бу институт халқаро ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди ва шахснинг давлатга тааллуқлилигини ифода-лади. Ушбу термин аслида барча-нинг қонун олдида тенглигини аниқлатган.

Фуқаролиқни қўлга киритишнинг асосий йўллари билан бири туғилганлик бўйича, яъни «filialia» (филиация) йўли билан фуқароликни олиш ҳисобланади. Бунда икки хил асосга таянилади. Биринчиси «қон ҳуқуқи» деб номланади. Унга кўра, бола қаерда туғилганидан қатъи назар ота-онасининг фуқаролигини олади. Иккинчиси «замин ҳуқуқи» дейилади. Яъни, бола қайси давлат ҳудудида туғилган бўлса, ота-онасининг фуқаролигига қарамай, ўша давлат фуқаролигини олади.

«Ўзбекистон овози» мухбири  
Нурали ОРМОНОВ  
сўхбатлашди.

### ■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

## Соғлом она ва бола энг олий бахтимиздир

Янги йил арафасида барчамиз ортга назар ташлаб, ишларимизни сарҳисоб қиламиз. Келгуси йилга янги режалар тузамиз. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Олмазор туман партия кенгаши билан ҳамкорликда ўтказган тадбир ҳам яқунланаётган «Соғлом она ва бола йили» сарҳисоби, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширилаётган вази-фаларга бағишланди.

Олмазор туманидаги 2-шаҳар туғруқ комплексида ўтказилган давра суҳбатиде санъаткорлар, шифокор ва ҳамширалар, партия фаоллари, электротат вакиллари иштирок этди.

Тадбирда оналар ва болалар саломатлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар, партиянинг бу борадаги ташаббуслари хусусида сўз юритилди. Она-бис ва болалиқни муҳофаза қилишга қаратилган эзгу ишлар натижасида кейинги беш йил ичида юртимизда оналар ва болалар ўлими камайди.

— Таъкидлаш жоизки, ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш гоёси партияимиз дастурий мақсад-ларига ҳамоҳанддир, — дейди **ЎЗХДП Олмазор туман кенгаши раиси Қамолдин Ақромов**. — Партияимиз ташкилотлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш



ЎЗА сурати.

бўйича қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Маълумки, партияимиз ташаббус билан жойларда тиббий кўрик акциялари ҳамда «Соғлом она — соғлом бола» лойиҳаси доирасида қатор тадбирлар ташкил этиляпти. Уларда оналар ва болалар саломатлигини асраш, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Назаримда, келгуси йилда бу лойиҳаларни янада такомиллаштириш, мазкур йўналишдаги ташаббусларни кўпайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича жиддий ўйлаб кўришисиз лозим.

Фикр-мулоҳазалардан сўнг Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова, Муқимий номидаги ўзбек давлат му-сикали драма театри актрисаси Муқаддас Мамадалиева эл хизматида-ги шифокор ва ҳамшираларни Янги йил билан қутлаб, эзгу тилақлар билдиришди.

Фаол ходимларга партиянинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Гулрух ОДАШБОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

### ■ ПАРЛАМЕНТДА

## Сайт тақдироти бўлиб ўтди

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг янги-ланган расмий веб сайти, виртуал қабулхонаси ҳамда ишонч телефони тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилот-ларининг матбуот хизматлари вакиллари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт-лар мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақдиротда таъкидланганидек, ахборот технологиялари ривожланиши давлат идо-ралари фаолиятининг очиклигини таъмин-лаш, эркин маълумот олиш имкониятлари-ни кенгайтирди. Шунини инобатга олган ҳолда, Омбудсманнинг электрон сайти (www.ombudsman.uz) замонавий талаблар-га мос равишда қайтадан яратилди. Унда Омбудсман фаолияти ҳақидаги барча маълумотлар мавжуд. Сайт орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида тавсиялар бе-риш, саволларга жавоблар олиш мумкин. Омбудсманнинг виртуал қабулхонасига эса Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва мамлака-тимизда яшаб турган хориқ фуқаролари мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг учун рўйхатдан ўтиш талаб этилмайди.

Сайтга келиб тушаётган мурожаатлар асосида фуқароларни уйлантираётган тур-ли масалаларга чуқурроқ ёндашиш, уларни атрофлича ўрганиш ҳамда қонун лойиҳа-ларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиш имкони ортади.


Сайт маълумотлари ўзбек, рус ва ин-глиз тилларида ҳамда кўриш қобилияти суст инсонлар учун махсус кўринишларда жой-лаштирилади.

Гулчехра КҮЛДОШЕВА



РЕКЛАМА ВА  
ТАБРИКЛАР

Байрамингиз муборак бўлсин!



Барчангизни Янги — 2017 йил билан  
муборакбод этади. Ватанимизнинг янада  
гуллаб-яшнаши йўлидаги ишларингизда  
янгидан-янги зафарлар тилайди!

*Ишлар давомда оқланган ишонч*

0 (371)  
200 95 95

agros.uz



«URGANCH SHAROV»

акциядорлик жамияти жамоаси

ҳамюртларимизни  
кириб келаётган

Янги йил

билан

муборакбод этади!

Янги йил барчамизга  
омадли келсин!

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспорт ҳажми ошмоқда

Навий вилоятида фаолият кўрсатаётган  
корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган  
маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ишлари  
йил сайин ортиб бораёпти.



— Саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган 561 корхонанинг 33 таси экспорт салоҳиятига эга, — дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Навий вилоят филиали директори Равшан Маҳмудов.

— Якунланаётган йилда жамғарма кўмағида 32473,84 минг АҚШ доллариға тенг маҳсулот хорижга жўнатишди. Хусусан, «Kargana Gips Maxsulotlari» ҚК МЧЖ 194,20 минг АҚШ долларлик қурилиш молларини, «Бизнес Азия» ИЧТФ 1817,20 минг АҚШ

долларлик калавани экспорт қилди. Жамғарма кўмағида «Nur-Sulton-Asat» МЧЖ ва «Zafar Temur Export Import», «Навий Самарқанд Савдо» МЧЖ ва «Хатирчи Export Import» ХКга экспорт фаолиятига жалб этилди.

— Қўшма корхонамизда ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, — дейди Навий шаҳридаги «Бахт Текстиль» МЧЖ директори Фурқат Турсунов. — Хориждан ҳамкор топишда жамғарманинг вилоят филиали билан иш олиб бордик. Натижада 8471,71 минг АҚШ долларлик калава экспорт қилишга эришдик. Келгусида яна қатор янги лойиҳаларни амалга ошириш билан бир қаторда 60 янги иш ўрнини яратиш ниятидамиз.

Илҳом САТТОРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан,  
г. Ташкент.  
Тел./факс: (+99871) 262-97-78,  
(+99871) 262-23-61.  
Моб.: (+99890) 188-15-33,  
(+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru  
Web-site: www.avtokran.uz,  
www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:  
O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Rustam KAMILOV  
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV  
Farrux HAMROYEV  
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida 0006-raqam bilan  
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va  
shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini  
ko'chirib bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259  
8765  
nuxxada  
bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 22:21  
Topshirilgan vaqti — 00:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Erkin XOLBOBOYEV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

